



Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2020 йил 8 август • шанба • № 76 (4361)

Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур.
Абдулла Авлоний

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Махсус комиссия эътиборига!



КОРОНАВИРУС пневмониясини қандай самарали даволаш мумкин?



Мухтор ЭШБЕКОВ,
тиббиёт фанлари доктори

Мана, саккиз ойдики, Хитойнинг Ухан шаҳрида пайдо бўлган янги касаллик бутун жаҳон ҳамжамиятини қаттиқ ташвишга солмоқда. Аммо шу кунга қадар дунё бўйича уни даволашда яқдил бир ёндашув ишлаб чиқилмади. Яъни замонавий тиббиёт ҳозирча унинг олдида ожиз бўлиб қолмоқда.

етишмовчилиги кузатилди. Протеинли препаратларни томир ичига юбориш орқали гипопроотеинемия коррекция қилингандан сўнг уларнинг ҳолати тезда яхшиланди ва том маънода ўпка тўқималарининг зарарланиши ҳажми камайди. Кўринишидан, анемия ва гипопроотеинемия билан оғриган болаларда онкотик қон босими паст, бу эса яллиғланиш марказида ўпка тўқимасига қон томиридан суюқликнинг чиқарилиши ва перифокал шеш насининг кўпайишини таъминлайди. Онкотик қон босими кўтарилгандан сўнг ўпка тўқимасидан қон томирига суюқликнинг орқага қайта оқиши кузатилади.


Менимча, ушбу тажрибадан корона вирус пневмониясини даволашда унумли фойдаланиш керак ва бунда қуйидаги омилларга эътибор бериш зарур.

Биринчидан, бу беморларни тўлиқ ва сифатли овқатлантириш. Беморларга берилётган озиқ-овқат оқсил, витамин ва минералларга бой бўлиши керак. Булар гўшт (мол, парранда, қуён гўшлари), тухум, сут маҳсулотлари (сигир, бия, туя сутлари, творог, пишлок, бринза, қимиз, қимрон), балиқ ва балиқ балиқ увилдириви, сабзавот ва мевалардан иборат.

Иккинчидан, дори-дармон воситалари билан даволаш. Бунда протеинли препаратларни (алвезин, амикин, аминокровин, полиамин, аминаплазмали, аминотроф, гидролизин ва 20% альбумин) томир ичига юбориш яхши самара беради.

Учинчидан, корона вирус инфекцияси қон таркибидаги қанд миқдорининг ошишига олиб келади. Бунда мушаклардаги рецепторларнинг сезувчанлиги пасаяди, жумладан, юрак мушаклари рецепторларининг инсулинга нисбатан сезувчанлиги ҳам. Натижада мушакларнинг заифлашуви ва юрак уриш етишмовчилиги келиб чиқади. Шунинг учун кунига 3 маҳал метформин (500 мг.) препаратини овқат пайтида ёки ундан кейин қабул қилиш тавсия этилади. Бу, айниқса, ортиқча вазнли беморлар учун жуда зарурдир.

Яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, корона вирус пневмониясини даволаш бўйича тавсияларини шифокорлик фаолиятим даврида ортирган амалий тажриба ва шахсий кузатувларимга асосланган.



Шу даврда COVID-19 деб номланган пандемияни этиопатогенетик даволаш ва унинг асоратларини бартараф этиш усуллари йўқ. Бу эса корона вирус пневмонияси билан инфекцияланганлар ҳаётига катта хавф туғдиrhoмoқдa.

Ушбу ҳолат мени турли даражадаги дистрофиядан азият чекаётган болаларда пневмонияни даволаш бўйича кузатувларим ва ортирган ўз тажрибам билан ўртоқлашишга ундади. Ҳамкасбларимиз билан Шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш Республика илмий маркази Жиззах филиалида дистрофик болаларга хос бўлган камқонлик ва гипопроотеинемия фонида пневмониянинг ўзига хос клиник кўринишларини кузатдик. Тана ҳароратининг юқори эмаслигига қарамай, ўпка тўқималарининг катта қисми шикастлангани сабабли (бу рентгенологик текширувида қайд этилган) уларда нафас олиш

ТАҲРИРИЯТДАН:

Корона вирус пандемияси бутун дунёда одамлар турмушини издан чиқариб юборди. Энди барчаси, таъбир жоиз бўлса, «аввалчиларга ўхшамас...». Аммо вирус пайдо бўлгандан буён уни даволашнинг умумий услуби ишлаб чиқилмади. Вакцина чиқишига ҳам ҳали вақт борга ўхшайди. Буён ҳар бир давлат ўзига хос услубда шифо чораларини кўрмоқда. Қолаверса, дастлабки даволаш услублари, дори-дармон рецептлари ҳам ўзгариб бормоқда. Кимдир илгари эми бекор қилиш керак деса, яна кимдир осма уқоллар касаллиқни оғирлаштиради дея ҳисобламоқда. Албатта, бу янги вирус. У келтириб чиқараётган хасталик ҳам тиббиёт ходимлари учун янгилик. Шундай экан, вақт ва тажриба бунда муҳим аҳамият касб этади. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Мухтор Эшбеков ўзининг тажрибалари ва кузатишларидан келиб чиққан ҳолда корона вирус пневмониясини даволаш бўйича тавсиялари билан ўртоқлашди. Улар пандемияни асоратсиз ўтказиш, энг муҳими, одамлар соғлиқини сақлаш, уларнинг ҳаётини асраб қолишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бунга амалиётчи шифокорлар ва масъуллар алоҳида эътибор қаратади, деган умиддамиз.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Федерациянинг янги кўринишдаги рамзлари: тимсоли (эмблемаси) ва байроғини яратиш бўйича танлов эълон қилади

Танловда Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшдан кичик бўлмаган барча фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Танловга тақдим этиладиган рамзлар тасвири ва тавсифида:

- қасаба уюшмалари фаолиятининг қонунийлик, ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқлилик, очиқлик ва ошқоралик каби асосий принциплари;
- қасаба уюшмалари ҳаракати қасаба уюшмалари аъзоларининг бирдамлигига асосланганлиги ҳамда Федерациянинг «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!» шioriдаги асосий ғоя;
- қасаба уюшмаларининг меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликда иштирок этиши ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги ваколатлари;
- Федерациянинг асосий мақсади – аъзо ташкилотларнинг устивазифаларини бажаришдаги сазй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, уларнинг умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш экани **акс эттирилиши лозим.**

Шунингдек, Федерациянинг янги кўринишдаги рамзлари содда ва осон тушуниладиган, эсда қолашли, тўртдан ортиқ ранга эга бўлмаган ҳолда, қора ва оқ ранга яхши қабул қилинадиган, келгусида Федерациянинг турли атрибутлари (босма маҳсулотлар, эсдалик совғалари, нишонлар ва ҳ.к.)да акс эттириш ва фойдаланиш учун қулай бўлиши лозим.

Танловга тақдим этиладиган ишлар мўйқаламда чизилган (А3 форматли қоғозда) ёки компьютер графикасида (bmp, gif, jpeg, .cdr форматларида) тайёрланган бўлиши мумкин.

Федерациянинг янги кўринишдаги рамзлари Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларига ўхшаш бўлмаслиги керак.

Танловга тақдим этиладиган ишлар tanlov@kasaba.uz, admin@kasaba.uz электрон манзиллари орқали **2020 йилнинг 20 сентябрга** қабул қилинади.

Танловга қуйидагилар электрон кўринишда тақдим этилади:

- Рамзларнинг рангли тасвири;
- Рамзларнинг тавсифи (тавсифда рамз нимани акс эттиргани баён қилинади, тавсиф аниқ ва лўнда бўлиши лозим);
- паспорт нусхаси;
- иштирокчининг исми-шарифи, иш (ўқиш) жойи, телефон рақами, яшаш манзили.

Танловга тақдим этилган ишлар Комиссия томонидан икки босқичда кўриб чиқилади:

Биринчи босқичда танловга тақдим этилган барча ишлар кўриб чиқилиб, танлов шартларига тўлиқ жавоб берадиган 4 та рамз тасвири ва тавсифи аниқланади;

Иккинчи босқичда эса ажратиб олинган рамз тасвири содда ва осон тушуниладиган, эсда қолашли, тўртдан ортиқ ранга эга бўлмаган ҳолда, қора ва оқ ранга яхши қабул қилинади.

Танлов ғолиби Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Фахрий ёрлиғи ва республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 20 (йигирма) баробари миқдоридеги пул мукофоти билан тақдирланади.

Шунингдек, танлов совриндорларига 3 та рағбатлантирувчи мукофот топширилади.



Давлат хизматлари агентлиги директори Улуғбек Муҳаммадиев жамоа билан илк мулоқотини видеоконференцолақа шаклида ўтказди.



Ташқи ишлар вазири ўринбосари Илхом Нейматов Беларус Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Леонид Маринич билан учрашди.




Бухорода мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишлаб аънанавий «Қовун сайли» байрами бошланди.




Республика товар-хонашэ биржаси exdoc.uz электрон хужжати алмашинув тизимини ишга туширди.



174 нафар ватандошимиз Нью-Йоркдан бешинчи махсус чартер рейс орқали Тошкентга етиб келди.




Россиянинг Самара ва Оренбург вилоятларида турли сабаблар билан вақтинча бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари поездларда ва таннимизга қайтмоқда.



ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

Келгуси сонларда ўқинг...





Наманган вилояти

Бошланғич ташкилотларда

ОҚЛАНАЁТГАН ИШОНЧ

Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш доирасида жорий этилган карантин чоралари сабабли ўтказилиши бир мuddат орта сурилган касабга уюшмалари бошланғич ташкилотларидаги ҳисоб-сайлов конференциялари айна пайтда карантин қондаларига риоя қилинган ҳолда «Zoom» дастури орқали бўлиб ўтмоқда.



Июнь-июль ойларида бўлиб ўтган бошланғич касабга уюшмалари ташкилотларидаги ҳисоб-сайлов йиғилишларида ишчи-ҳодимларнинг манфаатлари назарда тутилган ҳолда, бошланғич касабга уюшма кўмитаси фаолиятига ҳолис баҳо берилди. Хусусан, Таълим, фан ва маданият ҳодимлари касабга уюшмаси Наманган вилояти шаҳар, туман кенгашлари тасарруфидоги 549 та бошланғич касабга уюшма ташкилотининг 221 тасида ҳисоб-сай-



лов йиғилишлари белгиланган Низом талаблари асосида тахлий ва танқидий руҳда ўтказилди. Йиғилишларда муассаса ва ташкилотларнинг бошланғич касабга уюшма кўмиталари ҳисоб-сайлов йиғилишлари ўтган беш йил давомида амалга оширган ишлари юзасида ҳисобот беришди ва унда касабга уюшма раиси, шаҳар ташкилотининг конференциясига делегатлар сайланди. Нодавлат ташкилотларни аъзоликка қабул қилиш бўйича ҳам вилоят касабга уюшмалари тизимида салмоқли ишлар амалга оширилди. Июнь ойига қадар 380 та ташкилот касабга уюшма хизма-



тига олиниб, 5 минг 100 нафардан зиёд ишчи-ҳодим аъзоликка жалб қилинган бунинг исботидир. Хотин-қизларнинг муаммоларини эшитиш, жойида ўрганиш ва ҳал этиш учун ҳудудларда мунтазам ишлаб турган 1211-қисқа рақамли «Ишонч телефони» эса бугун кўпнинг ишончини оқламоқда. «Ишонч телефони»га вилоят бўйича 1341 та мурожаат келиб тушган бўлса, шулардан 664 таси назоратга олинган, 287 таси эса ижобий ҳал этилган. Айна пайтда «Ишонч телефони»га келган мурожаатлар асосида Янгикўрғон туманидаги оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 5 нафар аёлга 2 ва 3 хонали уй-



Хоразм вилояти

Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш ташкилотлари бирлашган касабга уюшма кўмитаси 2017 йил июлда ўз фаолиятини бошлаган эди. Ўтган давр мобайнида ташкилот аъзолар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишларни амалга оширди.




Ҳисобот-сайлов конференцияси

Ҳар бир аъзо манфаати устувор


Жумладан, ҳисобот даврида жамоа шартномалари асосида меҳнат қонунчилигида кўзда тутилмаган қўшимча таътиллاردан 3087 нафар ҳодим фойдаланди. Қатор имтиёзлар берилиши эвазига 2017 йилда жамоа шартномаси орқали ҳар бир ҳодим олган бевосита ва билвосита даромад миқдори 2063,8 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 2 баробарга ошди. Ўтган уч йил давомида энг яхши кўрсаткичларга эришган 5270 нафар ҳодимга рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши ҳамшира», «Энг ёш шифокор», «Энг масъулиятли ёш иш берувчи» кўрик-танловлари ўтказилди. Ташкилотнинг карантин талабларига риоя қилган ҳолда ўтказилган ҳисобот-сайлов конференциясида шу ва бошқа қатор рақамлар, мисоллар тилга олинди. Бирлашган кўмита раиси Гул-

режими жорий этилди. Меҳнат муҳофазаси тадбирлари алоҳида эътибор қаратилди. Меҳнат муҳофазаси битимида ишлатилган маблағ миқдори 3 миллион 910 миллион сўмни ташкил этди. Соҳа ҳодимларининг 199 нафар фарзанди оромгоҳларда соғломлаштирилди. Ёш мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши ҳамшира», «Энг ёш шифокор», «Энг масъулиятли ёш иш берувчи» кўрик-танловлари ўтказилди. Ташкилотнинг карантин талабларига риоя қилган ҳолда ўтказилган ҳисобот-сайлов конференциясида шу ва бошқа қатор рақамлар, мисоллар тилга олинди. Бирлашган кўмита раиси Гул-

хоним Аминова ўз ҳисоботида ютуқларни эътироф қилиш билан бирга, фойдаланилмаган имкониятлар, олдда турган вазифалар ҳақида ҳам тўхтади. Бирлашган кўмита фаолияти қониқарли, деб топилди. Конференцияда тафтиш комиссияси ахбороти ҳам тингланди. Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш ташкилотлари бирлашган касабга уюшма кўмитаси янги таркиби, тафтиш комиссияси тасдиқланди. Конференцияда Гулжоним Аминовага ишонч билдириб, яна кўмита раислигига сайланди.



Муҳаббат Тўрабоева, «ISHONCH»



Орзуғул РУСТАМОВА, «ISHONCH»



Жиззах вилояти

Ўрганиш



ЗОМИНДА ДОРИ-ДАРМОН ТАҚЧИЛИМИ?

Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси ҳодимлари Зомин туманида Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Covid-19»га қарши самарали деб тавсия этилган дори-дармон нархлари, уларнинг уч ойлик захирасини яратиш ҳамда савдо қондаларига риоя этиш ҳолатлари бўйича ўрганиш ўтказди.


Дастлаб хусусий дорихоналардаги вазият кўздан кечирилди. Ўрганишнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида 49 турдаги дори воситаларининг мавжудлиги ва нархи ёзилган рўйхатни ҳар бир дорихона сотувчиси алоҳида тўлдирди. Ўрганиш вақтида ҳозирги кунда талаб энг юқори бўлган арбидол, азитромицин, гепарин, анаферон каби дори воситаларининг мавжудлиги, аммо талаб катта бўлгани боис сотувда тезда тугаб қолаётгани аниқланди. – Аҳолига қулай бўлиши учун 24 соатлик иш режимига ўтилган, – дейди «Шахризода-Мед» хусусий корхонаси раҳбари Элдор Номозов. – Корхона қошида 3 та дорихона ишлаб турибди. Ҳозирда айрим дори воситаларига талаб кескин ошгани тугайли улар таъминотчи корхона томонидан маълум лимит асосида берилаяпти. Аммо кун ярмига бормади тугаб қоляпти. Биз харидорларга бу дориларни кейинги кун итказиб келинишни тушунтиряпмиз. Дориларнинг нархи келадиган бўлсак, кўрқмасдан айтиш мумкинки, нархларни сунъий ошириш ҳолатига йўл қўйилгани йўқ. Аммо захира масаласида муаммо бор. Бу масалада имтиёзли кредит берилса, ечим топилар эди.

– Ҳозирги кунда иммунитетни оширувчи ва антибиотик турдаги дори воситаларига талаб жуда юқори, – дейди «Холматова Наргиза» хусусий фирмаси раҳбари Наргиза Холматова. – Фуқаролар нафақат касаланиш ҳолатида, балки профилактика мақсадида ҳам коронавируси даволашда самарали деб тавсия этилган дори воситаларини харид қилаяпти. Шу сабабли айрим турдаги дорилар тақчиллиги бор. Аммо хавотирга ўрин йўқ, чунки рўйхатдаги дори воситалари ҳар кун келтириляпти. Пандемия шароитида фармацевтларнинг аъналарини давом эттирган ҳолда дорихонамизда антибиотик турга мансуб дорилар ўз нархида сотиляпти

«Закия» МЧЖга қарашли дорихонада ҳам лимит билан берилаётган дори-дармон воситаларининг тез тугаб қолаётгани маълум бўлди. Дорихонага келаятган фуқаролар дори-дармон нархи ошишига эмас, уларни исталган вақти топиб бўлмаётганига эътироз билдиришди.

Карантин вақтида аҳолининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини сифатли қондириш мақсадида вилоят бюджетидан «Жиззах дори-дармон» МЧЖ учун 2 миллиард сўм субсидия ажратилган эди. Зомин туманида ҳам ушбу МЧЖ негизда ижтимоий дорихоналар ташкил этилган. Жумладан, туманнинг 4-сектори ҳудудида мансуб чекка ҳудудларда 2 та ижтимоий дорихона шохобчаси аҳолига хизмат кўрсатаяпти. Туркман қишлоғидаги 16-сонли қишлоқ оилавий поликлиникасида «Жиззах дори-дармон» МЧЖнинг филиали бўлган 79-сонли ижтимоий дорихона ишлаб турибди. У ҳудуддаги 7 та қишлоқнинг 10 минг нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. – Туман бўйича 13 та ижтимоий дорихона шохобчаси ташкил этилди, – дейди «Жиззах дори-дармон» МЧЖнинг Зомин тумани бўйича вакили Ойбек Бобобеков. – Бундан ташқари, Зомин ва Зарбдор туманларининг узоқ ҳудудлари учун 1 та кўчма дорихона хизмати йўлга қўйилди. Ҳар икки кунда ҳудудларга эҳтиёжга қараб дорилар пешма-пеш етказиб турилибди. Шохобчадаги дорилар фармацевта стандартлари асосида жойлаштирилган. Тўловлар терминал орқали қабул қилинапти

«Дуоба» қишлоқ врачлик пункти 4 минг нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Ҳудуднинг аксар қисми бориш қийин бўлган тоғли жойлар. Энг узоқ ҳудуд 30 километрга тенг. Бу ердаги ижтимоий дорихонада ҳам бўлиши шарт бўлган 32 турдаги дори-дармон ҳамда «COVID-19»да самарали бўлган дори воситалари мавжуд. Бу эса Зомин туманида дори-дармон тақчиллиги йўқ эканидан далолатдир. Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси ахборот хизматининг маълум қилишича, бу каби ўрганиш ишлари барча туманларда ўтказилмоқда. Ўрганиш давомида тадбиркорларнинг муаммолари, аҳолининг фикрлари ҳам ёзиб олинмоқда. Келгусида улар умумлаштирилиб, зарур чоралар кўрилади.



Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»



Тошкент вилояти

Ўтган йили ўғлим фарзандли бўлди. Ширингина қизалоққа яхши ниёт билан Мумтозбегим, дея исм қўйдик. «Данагидан маъзи ширин» деганларидек, жажжи набирам оиламизнинг суюкли эркатойига айланди.

Дунёни яхшилик кутқаради


Орадан бироз вақт ўтиб, набирамда кучли бевозталиқ бошланди. Шифокорга мурожаат қилганимизда, унинг юраги меъридан ортиқ ураётгани, танасининг ана шу муҳим аъзосида нуқсонли борлиги аён бўлди. Шундан сўнг уни пойтахтдаги шифохоналарнинг бирига ётқиздик. Шифокорлар зудлик билан жарроҳлик амалиёти ўтказиш зарурлигини айтишди. Бир ой давомида жонлантириш бўлимида ётган набирам кўз олдимида сўлиб борар, унга ёрдам бера олмаётганим ич-ичимни кемирарди. Унинг операциясига жуда катта маблағ зарур бўлиб қолди. Оилавий шароитимизга оғир эди. Ўғлим Муроджон Тожибоев «Олмалик КМК» АЖ мис боитиш фабрикасида чилангар бўлиб ишлагани боис, у билан

маслаҳатлашиб, комбинат раҳбариятидан ёрдам сўрашга қарор қилдик. Шароитимизни тўғри тушушган комбинат раҳбарияти ҳамда касабга уюшмаси кенгаши жарроҳлик амалиёти учун зарур бўлган маблағни ажратди. Набирам жарроҳлик амалиётидан сўнг соғ-омон бағримизга қайтди. Ҳозирда Мумтозбегимнинг соғлиги жойида. Яхши инсонлар борлигига, Яратган мушкулларимизни осон қилганига шукрона айтаман. Фурсатдан фойдаланиб, ёрдамларини аяманг комбинат раҳбарияти ва касабга уюшмаси кенгашига ўз миннатдорлигимни билдираман.



Бор бўл, оқибат!

Уқтам ТОЖИБОЕВ, меҳнат фахрийси



Тошкент шаҳри

Муқаддас Ислом дини инсонларни фақат яхшилик қилишга даъват қилади. Мўътабар манбаларда хайр-эхсон, эзгуликнинг мукофоти фақат яхшилик экани кўп бора таъкидланади. Ҳақиқатан, инсоннинг икки дунё саодатига эришиши эзгу амаллар устига қурилган. Айниқса, бугунги пандемия даврида бунинг яққол далилини кўрмоқдамиз. Саховатпеша халқимиз муҳтожларга ёрдам қўлини узатмоқда.

Савобга йўғрилган ишлар

Маълумки, бу йил муборак Ҳаж зиёратини бажариш чекланди. Бундай ноқулайлик кўп одамлар учун савобнинг янги эшикларини очди, дейиш мумкин. Атрофимизда умри давомида яхши ниятлар билан тўплаган маблағларини кўмакка муҳтожларга тарқатаётган, уларга уй қуриб бераётган, энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини қондираётган ватандошларимизнинг сони-саногини йўқ. Улар бугуннинг қаҳрамонларидир. Эҳсон эса ўз вақтида қилинганда савоби янада ортади. Хусусан, ўзида кам бўла туриб, ўзи

ёрдამга муҳтож бўлса ҳам, бошқаларга илинган инсоннинг икки дунёси саодатли бўлади. Ҳадисларда келтирилишича, ҳақиқий мусулмон ўзига раво кўрганни биродарига ҳам раво кўради. Халқимизнинг қадриятларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳам ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга ёрдам қўлини қўзди. Жумладан, Чилонзор тумани «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Рафъал Муратовга ногиронлик аравачаси, шу туман-

даги «Зарқўрғон» маҳалласида яшовчи Муяссархон Арипов вага даволаниш учун дори-дармонлар олиб берилди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳар касабга уюшмалари бирлашма кенгаши давомида фаолият юритган марҳум Бахтиёр Ҳамидов, Иброҳим Исажоновларнинг оилаларига моддий ва маънавий кўмак берилди. Бундай савоби ишлар келгусида ҳам давом этади. Равшан МАҲАМАДАЛИЕВ, Тошкент шаҳар касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашма кенгаши масъул ҳодими

Саховат



Шу йилнинг 4 август кунин Ливан пойтахти Байрутда содир бўлган улкан портлаш жаҳон матбуоти ва оммавий ахборот воситаларининг эътиборин ўзига қаратди. Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилидаги ярим оролда жойлашган порт шаҳар узоқ вақтдан буён доимий беқарор ҳудуд бўлиб келмоқда. Бундан олдин ҳам мамлакатнинг йирик сиёсий арбоблари ва сиёсий партиялар етакчилари жонига портлатиш йўли билан суиқасд қилинган. 1,5 миллион нафар аҳоли яшайдиган Байрутдаги гигант портлашнинг аниқ сабаблари ҳозирча тўлиқ аниқланмаган бўлса-да, Ливан расмий доиралари бунинг тасодиғий фожиа деб ҳисобламоқда. Айрим ОАВ шоша-пиша айбни билвосита «Ҳизбуллоҳ» ҳаракатига ағдаришга уринган бўлса, яна бошқалари Исроилдан шубҳаланди. Ливан бош вазири Ҳасан Диаб чоршанба кунини миллий мотам кунини деб эълон қилди.

Байрутдаги портлашлар: АЙБДОР КИМ?

Дунёда нима гап?

Айбдорларни қидиришга зўр берилётган бир пайтда фожиа қурбонлари сони соат сайин ошиб бормоқда. 100 нафардан ортиқ кишининг ўлими ва 4 мингдан зиёд инсоннинг тан жароҳат олгани хабар қилинмоқда. Аммо айронолар остида кўпгаб жасадлар топилаётган ва ярадорлар орасида ўсал ҳолатда ётганлар кўпчилиги ҳисобга олсак, қурбонлар сони ўсишда давом этиши тайин. Ливан ҳукумати баёнотида кўра, ҳодиса жойи ортида портлаш хавфи юқори бўлган материаллар сақланган. Байрон саҳналарини бутун дунё телевидениялари намойиш этдики, бу одамларда қайғу ва ачинишни келтириб чиқарди. Қатор мамлакатлар, жумладан, Франция, Эрон, Россия ва Қўшма Штатлар Ливани қайта тиклашга ўз ёрдамларини таклиф этди.

Ливан ички хавфсизлик хизмати раҳбари Аббос Иброҳимнинг сўзларига кўра, портлашларнинг кўлами катта бўлгани яқин орадаги омборда шаҳар маъмурлари бир неча йил олдин портга кирган кемадан мусодара қилинган аммиак селитраси ёки нитрат аммоний сақлангани билан боғлиқ.

Аммиак селитраси кўпинча бомбалар тайёрлашда ишлатилиши маълум. Нитрат аммоний эса 1995 йилда 168 нафар кишининг ўлимига олиб келган АҚШнинг Оклахома-Сити шаҳридаги портлашда ишлатилган. 2013 йилда Американинг Техас штатидаги Уэст шаҳрида минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи заводда юз берган портлашда 14 киши қурбон бўлган, 200 дан зиёд киши тан жароҳати олган.

Нитрат аммоний рангсиз кристалл жисм бўлиб, савдода эркин сотилади. У сувда осон парчалангани ва табиий шароитда ёнамайди, аммо енгил алангалуви моддалар қўшилганда тез аланга олади. Аммиак селитраси эса ўғит, портловчи моддалар, антибиотиклар, хамиртуруш, гугурт ва феерверклар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Аслини олганда портлашга Ливан ҳукумати расмийларининг бепарволиги сабаб бўлди десак,

ангарда сақланишининг жиддий хавф туғдиришини инобатга олиб, биз денгиз агентлигига зудлик билан юкни реэспорт қилишга рухсат бериш ёки уни сотиб юбориш масаласини қўриб қиқши борасидаги илтимосимизни тасдиқлаймиз. Бу порт ва унинг ходимлари хавфсизлигини таъминлаган бўлар эди».

Бу товарларни сақланаётган жойда қолдиришнинг хавфи ва порт ходимларига соладиган хатари ҳақида божхона бошқармасининг янги раҳбари Дахер номидан йўланган хатда ҳам баён этилган. Шу йилнинг январда ўз лавозимини ижро этишга киришган Ливан бош вазири Ҳасан Диаб вайронгарчиликларга йўлқаслик мумкинлигини эътироф

келди. Халқаро Қизил Хоч ташкилоти вакили пойтахт табиий муассасалари тўлиб кетгани сабабли ярадорларни бошқа минтақалардаги касалхоналарига келтиришга мажбур бўлинганини тасдиқлади. Вазиятнинг мураккаблашувига шаҳарнинг айрим касалхоналари, шу жумладан, энг йириклари портлаш ортидан вайрон бўлгани ҳам катта таъсир кўрсатди.

Сешанба ҳодисалари сўнги ойларида Ливан тўқнашаётган инқирозларнинг навбатидаги янги воқеаси бўлди. Гап шундаки, ўтган йилнинг ноябрда мамлакатда нарх-навоининг ўсиши, ҳокимият тизимининг барча бўғинларини чирмаб олган коррупцияга қарши ақсилҳукумат намойишлари ўтказил-



этиб, бу ҳалокатга сабабчи бўлган барча айбдорларнинг жазоланишига ваъда берди.

Яна бир қизиқ ҳолат шундан иборатки, ҳокимият расмий доираларининг баёнотида қарамадан ўнг қанотдаги айрим оммавий ахборот воситалари айбни Эрон қўллоғидаги «Ҳизбуллоҳ» ҳаракатига юкланиши уринди. Улар «Ҳизбуллоҳ» шаҳарда ўзига тегишли портловчи моддаларни портлатди» қабилдаги хабарларини тарқатди. «Ҳизбуллоҳ» эса ўз баёнотида фожиага алоқдорлигини рад ҳам этгани йўқ тасдиқламади ҳам. Аксинча, Ливан халқига ҳамдардлик билдирди, холос...

Сўнги ҳафтада «Ҳизбуллоҳ» ҳаракати билан бир неча марта тўқнашувга борган, аввалроқ унинг Байрутдаги позицияларини ўққа тутган Исроил ҳам портлашга алоқдорлигини рад этди. Америка президенти Доналд Трамп подадан олдин чанг кўтаришга уриниб кўрди. Трамп Ливан ҳукмрон доираларининг расмий баёнотидан айро кетиб, бу атайдан уюштирилган ҳужум экани хусусидаги миш-мишларни тасдиқлади. У мухбирларга Америка ҳарбий қўмондонларининг ҳужум бўлгани борасидаги фикрларини ошкор қилди.

Бу бахтсиз ҳодиса шунсиз ҳам «COVID-19» пандемияси туфайли зуриқиб ишлаётган Ливан соғлиқни сақлаш тизими учун жиддий синов бўлди. Ўтган ҳафта Ливан ҳукумати коронавирус пандемияси хавотирили тарзда яна кенг тарқалаётгани важдан ўзини яқкалаш режимида такроран жорий этган эди. Беморлар сонининг ошиши кетиши ва соғлиқни сақлаш тизимига оғирлик тушуши унинг сешанба кунини юзага келган фавқуллода вазиятга тайёр эмаслигига олиб

ган эди. Бунинг натижасида бош вазири Саад Ҳарири ва давлатнинг бутун бошли ҳукмрон аппарати парчаланган хавфи остида қолиб, алал-оқибат истеъфо беришга мажбур бўлди. Коронавирус чекловлари жорий этилганига қарамай намойишлар ҳамон давом этмоқда, ҳукумат боши берк кўчага кириб қолган. Ливан лираси курси кескин тушиб кетди ва ўтган йилнинг сентябрдан эътиборан ўз қийматини 85-90 фоизга бой берди. Бу эса ақсилҳукумат норозиликларини келтириб чиқарган оммавий норозиликка олиб келди. Молиявий инқироз мамлакат иқтисодиётига кучли зарба берди. Инфляция кўрсаткичлари, ишсизлик ва қашшоқлик даражаси ошиб кетди. Душанба кунини Ливан ташқи ишлар Насиф Ҳитти чуқурлашиб бораётган молиявий инқироз ва ҳукуматнинг бўҳрондан чиқиш йўлини кўрмоётгани важдан истеъфо беришга мажбур бўлди. 6,5 миллионлик нуфусга эга Ливан 1975-1990 йиллардаги фуқаролар урушидан кейин давлатни кўп конфессия ва динлар вакиллари бошқарадиган мамлакатга айланди. Амалдаги қонунга мувофиқ, Президент насронилардан, бош вазири сунний мазҳабидан муслмонлардан, парламент спикери эса шиалардан сайланиши керак. Агар ҳозирги молиявий ва иқтисодий танглик чоғида бўҳрондан чиқиш йўли топилмас экан, бу ерда яна конфессиялараро тўқнашувлар пайдо бўлиши ва бу бутун минтақани аланга ичида қолдириши мумкин. Воқеалар якунини эса, албатта, вақт кўрсатади.

Абдували СОЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи

Сурхондарё вилояти

Шу йилнинг 11 май кунин Сурхондарё вилояти «Сувоқова» давлат унитар корхонаси Ангор тумани филиали инспектор Нурулло Ҳовлиевни Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан ишдан бўшатган.

Касаба уюшмаси аралашгач...

Инспектор яна иш жойида

«Сувоқова» давлат унитар корхонасининг 2018-2021 йиллар учун мўлжалланган жамоа шартномасининг 3.3.-бандида меҳнат шартномасини иш бериувчининг ташаббуси билан бекор қилиш фақат касаба уюшмаси кўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилиши белгиланган. Аммо иш бериувчи Н.Ҳовлиев билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшмаси кўмитасининг розилигини олмаган.

Шу бос, Сурхондарё касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Н.Ҳовлиевни ишга тиклаш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Суднинг шу йил 16 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан Н.Ҳовлиев «Сувоқова» давлат унитар корхонаси Ангор тумани филиали инспектори вазифасига ишга тикланди ва унга мажбурий бекор юрган вақти учун ойлик иш ҳақи ҳамда 3.000.000 сўм миқдорда маънавий зарар ундириб берилди.

Зафар ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Сурхондарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқи инспектори

Эълон

Хабарнома

«КО'СНМАС MULK FINANS INVEST»

МАСЪУЛИЯТ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«КО'СНМАС MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти томонидан «Ishonch» газетасининг шу йил 2 июл № 72 (4357)-сонидан чоп қилинган эълондаги Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Обишир кўчаси, 124-ўй манзилида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 100785,0 кв.метрдан иборат бўлган омборхона бино-иншоотлари бўйича савдолар 2020 йил 31 июль кунига белгиланган эди.

Аммо мазкур сана Курбон ҳайити кунига тўғри келгани сабабли савдолар 7 ҳамда 14 август кунлари соат 14:00да ўтказилади.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун бюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2020 йил 7 август кунидан савдо учун 6 август, 14 август кунидан савдо учун 13 август кунига қадар (байрам ва дам олиш) кунларидан ташқари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик).

Бюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, Геофизика қўрғони. Тел: (98) 100-55-38. E-mail: kmfauksion@mail.ru

Лицензия № RR-0297

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади

№ 2020-07

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2020 йил 7 август. Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириг мuddат: Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар тилгари.

1-тип: Тўрт қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар

2-тип: Беш қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар

3-тип: Етти қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтилган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларининг қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент вилояти

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефон: (0 371) 241-15-37

Факс: (0 371) 241-15-26

Тошкент вилояти

Банк: «Азия Альянс Банк»нинг Олмазор филиали

СТИР: 300 017 720, МФО: 01102

Ҳ/р: 2021 0000 5045 4602 7001

5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«_____вилояти, _____тумани, _____массивидаги, _____лот _____та яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин. Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган БҲМ (базавий ҳисоблаш миқдори)га тенг.

Банк ҳисобрақами реквизитлари қуйида келтирилган:

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига;

Таклифларни тақдим этиш сўнги мuddатига;

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларига кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишининг охириг кунини тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

Тошкент вилояти ҳокимияти

Манзил: Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй.

Телефон: (0 371) 232-80-47

Факс: (0 371) 232-80-42

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги таблабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир донга уй (квартира) учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси ўрнатилган хажми ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнги бир йил давомида бажаришга қараган ишлари хажми м²	Сўнги 3 йилда бажаришга қараган бетон ишлари м²	Сўнги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м²
Тўрт қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар	2 600 000 000	2 200 000 000	400	700	1500
Беш қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар	3 000 000 000	2 400 000 000	450	750	1800
Етти қаватли кўп квартиралар (2,3 хонали) уйлар	5 600 000 000	4 700 000 000	860	1516	3250

Шартнома (лот)лар рўйхати

Лот №	Ҳудуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Квартира сонини	Етти қаватли 2,3 хонали уйлар	Таклифларни топшириш охириг мuddати
251	Юқоричирчиқ	«Миробод» МФЙ	52	1	2020 йил 7 сентябрь 11:00
252	Юқоричирчиқ	«Миробод» МФЙ	52	1	2020 йил 7 сентябрь 11:00
253	Юқоричирчиқ	«Миробод» МФЙ	52	1	2020 йил 7 сентябрь 11:00
254	Юқоричирчиқ	«Миробод» МФЙ	52	1	2020 йил 7 сентябрь 11:00
255	Юқоричирчиқ	«Миробод» МФЙ	52	1	2020 йил 7 сентябрь 11:30
256	Юқоричирчиқ	«Миробод» МФЙ	52	1	2020 йил 7 сентябрь 11:30
257	Юқоричирчиқ	«Миробод» МФЙ	52	1	2020 йил 7 сентябрь 11:30
258	Юқоричирчиқ	«Миробод» МФЙ	52	1	2020 йил 7 сентябрь 11:30

Қурилиш соҳасининг қадрли ишчи-ходимлари!

Барчангизни Ўзбекистон қурилиш соҳаси ходимлари кунини – касб байрамингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизларнинг заҳматли меҳнатларингиз нақадар юксак мазмун ва маънога эгаллиги ҳақида ҳар қанча гапирсак, кам.

Улкан ишлаб чиқариш корхоналари, йўл ва кўприклар, таълим ва тиббиёт корхоналари, замонавий шинам турар жойлар, ҳуллас, инсон ва унинг фаровон турмуши учун зарур бўлган барча иншоотларнинг лойиҳасидан токи қуриб битказишгача бўлган ишлар сизларнинг меҳнатингиз самараси ўлароқ бунёд бўлади.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, бузғини гўзал ва фаровон ҳаётимизни, мамлакатимизнинг келгуси тараққиётини қурилиш соҳасидан, сиздек олижаноб касб эгалари меҳнатидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Бугун бутун дунёни қаттиқ синоздан ўтказаяётган эпидемиологик оғир вазиятни ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан енгишда, халқимиз саломатлиги учун зарур янги тиббиёт иншоотлари бунёд этишда ҳам ўзингиз ва яқинларингиз саломатлигини асрашга қатъий эътибор қаратишингизга ишонамиз ва бу йўлда сизларга куч-қайрат тилаймиз.

Азиз ҳамкасблар!

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимиздан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда ва шахсий ҳаётингизда ютуқ ва омадлар, оилангизга бахт-у саодат, файз-у барака тилаймиз.

Ҳеч қачон чарчаманг, машаққатли ва шарафли меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азиз бунёдкорлар!



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VAZIRLIGI**



**Қорақалпоғистон
Республикаси**

Адлия ва Ички ишлар вазирлигига!

Ҳаётда бор, ҳужжатда йўқ одамлар

Хўжайли туманининг Найман қишлоғида истиқомат қилаётган Жуманиёз Шомуродов 72 ёшда. Собиқ жамоа хўжалигида ишлаб, 33 йиллик меҳнат стажига эга бўлган бу одам ўн икки йилдири, нафақа олмайди. Чунки унинг фуқаролигини тасдиқловчи паспорти йўқ. Собиқ тизим даврида мактабга ҳам бормагани учун ўз вақтида ҳақ-хўққини талаб этолмаган. Ҳарбий ва никоҳ гувоҳномалари, меҳнат дафтарида олиб овул фуқаролар йиғини, туман пенсия жамғармаси, туман ИИБ Миграция ва фуқаролик бўлими, ФХДЭ идораси, архивлар, туман тиббиёт бирлашмаси каби кўплаб идораларга мурожаат қилган. Афсуски, бундан ҳеч қандай натижа чиқмаган.

– Отамнинг ҳужжатларини туман ФХДЭ бўлимига топширганимга ҳам икки йилча бўлиб қолди, – деди отахоннинг кенжа фарзанди Комилжон Шомуродов. – Туғилганлик борасидаги гувоҳномани тиклаш учун тайёрланган ҳужжатлар мазкур идорада ис- сиз йўқолди. Айтишларича ушбу муассаса фуқаролардан келган ҳужжатлар бир йил сақлар экан. Шундан сўнг улар ёқиб юборилар экан. Наҳотки, идора ходимлари кўмак



ва наҳот истаб келган чорасиз одамга ёрдам бериш ўрнига уларни умидвор қилиб, ғанимат вақтига хиёнат қилишдан бошқасига ярамаса? Ҳужжат тўплаб, ишни пайсалга солиш, инсонни овра-ю сарсон қилиб вақтни чўзиш мутасаддилар мавқеига пугур етказмайди? Жавобгарлик ва масъулият ҳисси қайда қолди? Марказий архивда керакли ҳужжатлар топилмаса, маълумотнома олиб келиши зарурлигини тайинлаш шунчалар қийин ишми? Умри кузги баргдек омонат бўлиб турган инсоннинг табиий ҳуқуқини тиклаш имкони, наҳотки, йўқ бўлса?

Афсус, бу биргина мисол эмас. Хўжайли туманининг «Мустақиллик» ОФЙ, Арқасу-

рим қишлоғида яшовчи 68 ёшли Жалғасбой Ортиқов ҳам пенсия олмайди. 27 йиллик иш стажига эга собиқ тракторчининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжати мавжуд эмас. Умри далада ўтган бу одамнинг ҳам дардига дармон бўладиган кимса йўқ.

Албатта, қайсидир идорага бориб «этиборсизлик қиялсиз» ёки масъул шахсга «сиз чегарадан чиқиб кетдингиз» дейиш мушкул. Лекин тирик инсонларга ёрдам бериш ҳамма-нинг бурчи эмасми? Бунга мутасаддилар қандай муносабат билдирар экан?

Ортиқбой МАМУТОВ,
журналист



«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси «Ishonch» газетаси бўлим муҳаррири Жаҳонгир Наҳоновга волидаи муҳтарамаси
Муҳаббат аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Гўзал Тўхтаевага наси
Набира ИБРОҲИМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд вилояти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси жамоаси ҳамда вилоятдаги барча тармоқ касба уюшма кенгашлари Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Урган тумани кенгаши раиси

Мадина БАРТОВАнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси ва касба уюшма кўмитаси университет проректори Алишер Обиджоновга наси
Дилором ОБИДЖОНОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси ва касба уюшма кўмитаси университетнинг «Ўзбек тили ва адабиётшунослик» кафедраси профессори Гулноз Холлиевага отаси
Убайдулла ВАЛИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси ва касба уюшма кўмитаси университетнинг «Ўзбек тили ва адабиётшунослик» кафедраси профессори Гулноз Холлиевага отаси
Искандар ХОЛЛИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.



«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),

Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти –
(71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий-маънавий
кадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг фармон
ва қарорлари, энг сўнгги
янгиликлар, таҳлилий,
танқидий мақолалар,
хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз
мумкин.

Хўдаўлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Ҳ. Норбоев

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:00**
Топширилди – **23:00**

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ,
Буюртма Г – **817**.
27871 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Iprotaka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТПР: 201133889,
ОКЭД: 58130